

Уламоларнинг маърифий суҳбатлари давом этяпти



11:47 / 08.08.2021 2150

Куни кеча Ўзбекистон муслмонлари идораси раисининг маслаҳатчиси Салоҳиддин домла Шарипов Қарши туманидаги «Фозил ота» жоме масжидига ташриф буюрдилар.

Пешин намозидан сўнг устоз масжид жамоасига «Тинчлик - олий неъмат» ва «Шукр қилиш фазилатлари» мавзусида гўзал суҳбат қилиб бердилар ва суҳбат сўнгида дуои хайрлар қилдилар.

Ўзбекистон муслмонлари идораси раисининг ўринбосари Иброҳим домла Иномов Касби туманидаги «Фазли» жоме масжидига, Тошкент шаҳар «Ракат» масжиди имом-хатиби Раббимқул домла Муҳаммадиев Қарши туманидаги «Хўжа Ҳофиз» жоме масжидига, Тошкент шаҳар «Бурхониддин

Марғилоний» масжиди имом-хатиби Абдулҳамид домла Турсунов Касби туманидаги «Раҳматулла Суяров» жоме масжидига, Тошкент шаҳар «Умар ибн Хаттоб» масжиди имом-хатиби Мансур домла Даминов Касби туманидаги «Зарипов Мўмин ҳожи» жоме масжидига, Тошкент шаҳар «Доруссалом» масжиди имом-хатиби Муҳаммадраҳим домла Абдулқодиров Касби туманидаги «Назартепа» жоме масжидига, Тошкент шаҳар «Ал-Ҳудайбия» масжиди имом-хатиби Муродулла домла Хунназаров «Мулла Нур» жоме масжидида, «Ислом ота» масжиди имом-хатиби Йўлдошали домла Каримов «Файзиобод» жоме масжидига, шунингдек, Ғузор тумани, «Ҳазрати Мирижанда» жоме масжидига Ислом цивилизация марказининг илмий ходими, фахрий доктор Аброр Мухтор Алий домла ташриф буюрдилар.

Уламолар маърифий суҳбатлари давомида Ислом динининг моҳияти, мусулмонларнинг хулқ-атвори қандай бўлиши кераклиги, мусулмонларни зиёрат қилишнинг ажру савоби, бугунги кунда жамиятда учраётган муаммолар ҳақида таъсирли маърузалар қилинди ҳамда намозхонларнинг саволларига олимларимиз жавоб бердилар.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown

